

Мамарахимов Бекзод Эркинович,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
доценти

ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИШЧИ КУЧЕНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК: 331

МАМАРАХИМОВ Б.Э. ҲОЗИРГИ ДАВРДА ИШЧИ КУЧЕНИ ТАКРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ушбу мақолада жамиятнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган ишчи кучининг хусусиятлари, уни такрор ишлаб чиқариш ҳамда унинг қиймати билан боғлиқ муаммолар баён қилинади. Унда ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш фазалари: ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнларининг амал қилиши тўғрисидаги маълумотлар батафсил ёритилган.

Таянч иборалар: ишчи кучи, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш фазалари, ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш, истеъмол.

МАМАРАХИМОВ Б.Э. ОСОБЕННОСТИ ВОСПРОИЗВОДСТВА РАБОЧЕЙ СИЛЫ В НАСТОЯЩЕЕ ВРЕМЯ

В данной статье описываются характеристики рабочей силы, которая является основной производительной силой общества, ее воспроизводство и проблемы, связанные с ее стоимостью. Подробно описываются этапы воспроизводства рабочей силы: производство, распределение, обмен и функционирование процессов потребления

Ключевые слова: рабочая сила, фазы воспроизводства рабочей силы, производство, распределение, обмен, потребление.

МАМАРАХИМОВ В.Е. FEATURES OF LABOR FORCE REPRODUCTION NOWADAYS

This article describes the characteristics of the labor force, which is the main productive force of society, its reproduction and problems related to its cost. The phases of labor reproduction are described in detail: production, distribution, exchange, and functioning of consumption processes.

Keywords: labor force, phases of labor reproduction: production, distribution, exchange, consumption.

Кириш. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида, шунингдек, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг ҳамма фазаларида ишчи кучи энг фаол омил ҳисобланади. Чунки, бошқа ҳамма омиллар ишчи кучи ёрдамида ҳаракатга келтирилади, уларнинг қийматлари сақлаб қолиниб, янги маҳсулотга ўтказилади. Шунинг учун ҳам иқтисодий ривожланишнинг барча даврларида ишчи кучи иқтисодий ривожланишнинг асосий омилларидан бири бўлиб келган. Илмий ва техникавий тараққиётнинг технологик босқичида инсон омилининг ўсиб бораётган роли, ишлаб чиқариш натижаларининг меҳнатдан фойдаланишнинг сифати, мотивацияси ва табиатига бевосита боғлиқлиги, хусусан, алоҳида ишчига боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу муаммони ўрганишнинг аҳамияти ҳар бир жамиятнинг одамлар, уларнинг билимлари, тажрибалари, қобилиятлари ва интеллектуал салоҳиятлари каби ресурсларининг доимий қиймати билан боғлиқ. Янги маҳсулот, янги қиймат шу ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида ишчи кучи томонидан яратилади. Шу сабабли мамлакат миқёсида ишчи кучининг таркиби ва сифати жиҳатидан ишчи кучи бозорини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили. Бозор иқтисодиётининг замонавий шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш масалалари Самуэлсон П., Брю Л. [2], Беккер Г. [3], Жонсон Г., Минцер Ж., Шульц Т., Блауг М., Фишер И., Мескон М. ва бошқа хорижий иқтисодчи олимлар асарларида ёритишга ҳаракат қилинган. МДҲ иқтисодчи олимларидан Гончарова А., Волгин Н., Буланов В., Андреев С.И., Коноваленко Д.А. [4], Летиш И.С. [5], Куренной А.М. [6], Живалева Е. А. Горбуля Н.И. [7], Микулский К. [8], Маер В.Ф., Зукова С.В. [9], Кокин Ю. [10], Травин В.В., Дятлов В.А. [11], Белова В.П. [12] ва бошқалар адабиётларида ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг турли жиҳатларини ўрганишган.

Мамлакатимиздаги айрим иқтисодчиларгина ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш тўғрисидаги фикрларини билдириб ўтишган. Лекин улар томонидан кенгроқ ёритишга ҳаракат қилинмаган. Фақатгина ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш тушунчасигагина таъриф бериб ўтилган. Жумладан:

Х.П.Абулқосимовнинг таъкидлашича, ишчи кучини такрор ҳосил қилиш – инсоннинг жис-

моний кучлари ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаш ва таъминлаб туриш, уларнинг меҳнат малакасини муттасил янгилаб ва ошириб бориш, умумий билим ва касбий даражаси ўсишини таъминлаш, ёш ишчилар авлодини етиштириш демакдир. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш – бу инсоннинг ақлий ва жисмоний қобилиятларининг узлуксиз равишда тикланиб бориши, доимий равишда унинг билим, малака савиясининг кўтарилиб, янгиланиб боришидир [13].


Б.Ходиев ва Ш.Шодмоновларнинг фикрича, ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш - инсоннинг жисмоний ва ақлий қобилиятларини узлуксиз қайта тиклаши, сақлаши, яъни унинг овқатланиши, кийиниши, дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши, уларнинг касбий малакаси ва таълим даражасини доимий янгилаш ва такомиллаштириш тушунилади. Такрор ишлаб чиқариш жараёнида фақатгина ишлаб чиқаришнинг моддий-ашёвий омилларигина эмас, балки шахсий омили, яъни ишчи кучи ҳам такрор ишлаб чиқарилади [14].

Тадқиқот методологияси. Мавзуни тадқиқ қилишда индукция, дедукция, илмий абстракция, анализ ҳамда синтез сингари илмий тадқиқот усулларида фойдаланилди. Ушбу тадқиқот усуллари мавзуни ўрганиш ва таҳлил қилиш илмий хулоса чиқариш ва таклифларни тақдим этишда катта аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар. Ишчи кучи – бу инсоннинг меҳнатга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларининг йиғиндиси бўлиб ҳисобланади. Яъни ишчи кучи ресурслари таркибига кирувчи шахслар ҳам ақлий жиҳатдан, ҳам жисмоний жиҳатдан қандайдир қобилиятга эга бўлиши лозим. Агар ушбу қобилиятларнинг бирортаси етарлича бўлмаса (ақлий ёки жисмоний жиҳатдан) у ишчи кучи ресурслари таркибига киритилмайди.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш шахс учун ўзи ва оила аъзолари эҳтиёжларининг қондирилиши, уй-жой ва бошқа шарт-шароитларининг таъминланиши билан боғлиқдир. Уларнинг яхши яшаши ва камол топиши, дам олиши, ҳордиқ чиқариши учун керак бўладиган эҳтиёжларининг маълум бир қисмини қондириши учун етарли даражадаги шарт-шароитга эга бўлиши керак бўлади.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш тушунчасини ифодалаганда икки томонлама ёшдашиш мумкин. Биринчидан, ишчининг меҳнат

1-расм. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш фазалари¹.

қобилиятини қайта тиклаши, яъни унинг овқатланиши, кийиниши, дам олиши ва маданий ҳордиқ чиқариши тушунилади. Бу эса ишчи учун оила, уй-жой ва бошқа шарт-шароитлар яратилиши билан боғлиқдир. Иккинчидан, ишчи ва хизматчиларнинг ҳозирги авлоди маълум вақт ўтиши билан қарийди. Уларнинг ўринларини босадиган ўринбосарлар ҳам тайёрланиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ишчининг оиласи, фарзандлари ёки шогирди бўлиши лозим, уларнинг ўсиб-улғайиши, ўқиши, замон талабига жавоб берадиган ишчи кучи сифатида камол топиши учун ҳам шарт-шароит бўлиши зарур.

Ушбу ҳолатда ишчи кучи такрор ишлаб чиқаришнинг биринчи жиҳатига тўхталадиган бўлсак, унга таъсир қилувчи бирламчи омил сифатида уларнинг даромад даражаси сифатида белгилаш ўринлидир. Чунки, ҳар қандай ишчи ўзининг жисмоний қобилиятини тиклаши, керагича энергия тўплаши учун кераклича калорияли озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиши ва етарли дам (хордиқ) олиши учун шарт-шароитлар билан таъминланган бўлиши зарур. Бу эса аҳолининг турмуш тарзи билан ифодаланади. Турмуш тарзи инсон ҳаёт фаолиятининг турли жиҳатларини қамраб олади, яъни:

- меҳнат, уни ташкил этишнинг ижтимоий шакллари;
- турмуш ва бўш вақтдан фойдаланиш шакллари;
- сиёсий ва ижтимоий ҳаётда иштирок этиш;
- моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш шакллари;
- кишиларнинг кундалик ҳаётдаги хулқ-атвори меъёрлари ва қоидалари.

Бундан ташқари, ишчи ва хизматчиларнинг ҳозирги авлоди маълум вақт ўтиши билан

қарийди. Уларнинг ўринларини босадиган ўринбосарлар ҳам тайёрланиши лозим бўлади. Бунинг учун эса ишчининг оиласи, фарзандлари бўлиши лозим, уларнинг ўсиб-улғайиши, ўқиши, замон талабига жавоб берадиган ишчи кучи сифатида камол топиши учун ҳам шарт-шароит бўлиши зарур.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш ижтимоий такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ажралмас қисми бўлиб, у ижтимоий маҳсулот ва иқтисодий муносабатларни такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олади. Иқтисодий муносабатларни такрор ишлаб чиқаришнинг моҳияти шундан иборатки, ходим ёлланма меҳнат билан такрор ишлаб чиқариш жараёнига киради ва уни ёлланма меҳнат билан тарқ етади. Бошқача қилиб айтганда, у ишлаб чиқариш воситаларининг эгаси бўлиб қолмайди, балки кейинги такрор ишлаб чиқариш цикларида ишлаш қобилиятини, ишчи кучини сотишда давом етади. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг яна бир хусусияти шундаки: бошқа барча товарлардан фарқли ўлароқ, уни фақат меҳнат омилини сотишдан олинган хусусий даромад асосида талаб даражасида такрор ишлаб чиқариб бўлмайди.

Ишчи кучи ёки меҳнат қобилияти ҳар қандай товар каби тўртта фаза орқали такрор ишлаб чиқарилади (1-расм).

Ишчи кучини ишлаб чиқариш (шакллантириш) жараёни, яъни ишчини тайёрлаш мактабгача таълим муассасасида бошланиб, ўрта мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи, олий ўқув юрти, қайта тайёрлаш ва малака ошириш институти, иш жойларидаги стажировкалар ва бошқаларда давом этади.

Ишчи кучини тақсимлаш ва айирбошлаш жараёни ишчи кучи бозорида ижтимоий шериклик институтининг уч субъектлари – иш берувчи, ишчи ва давлат иштирокида, шунингдек, тўғридан-

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

2-расм. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш кўриниши¹.



тўғри тадбиркорлик объектида (ишга ёллаш, бошқа ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш, ишчи кучини алмашиш қиймати ва ҳоказо) келишиб олинади.

Ишчи кучининг истеъмоли (фойдаланиш) бевосита иш жойида, муайян ижтимоий зарурий маҳсулотлар, хизматлар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқаларни ишлаб чиқариш билан бирга олиб бориладиган меҳнат жараёнида амалга оширилади. Шунинг учун меҳнат жараёни ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг тўртинчи босқичи - ундан фойдаланиш фазасидагина амалга ошади.

Ижтимоий меҳнатда банд бўлганлар ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларини босиб ўтади. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш эса ишсизларни яъни потенциал ишлаш қобилиятининг шаклини ўзгартиради: тақсимот, товар айирбошлаш, фойдаланиш босқичлари йўқ бўлиб, ишчи кучини касбга тайёрлаш ва шакллантириш босқичларини қўллаб-қувватлаш режимида, тўлиқсиз шаклда амалга оширилади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида такрор ишлаб чиқариш фазалари бўйича ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш бир қатор салбий хусусиятларга эга бўлиши мумкин. Жумладан,

Ишлаб чиқариш фазаси:

1. Демографик ўзгаришларнинг кескинлашуви, меҳнатга лаёқатли гуруҳларнинг қисқариши ва нафақа ёшидаги шахслар улушининг ошиши натижасида меҳнатга лаёқатсиз аҳолининг демографик юқининг ўсиб бориши.

2. Иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда давлатнинг асосий ижтимоий кафолатлари ўртасидаги зиддиятнинг вужудга келиши ва ўсиб бориши.

3. Ишчи кучи бозорида ишчи кучи қийматининг пастлиги. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш харажатларидан кўра кам даромадга эга бўлиши, унинг келгуси авлодлар учун ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим соҳаси сифатида уй хўжаликларининг ижтимоий-иқтисодий аҳволини сезиларли даражада ёмонлаштиради.

Тақсимлаш фазаси:

1. Ишчи кучи ресурслари даражасига кўра минтақаларни фарқлаш, ишчи кучи ортиқча бўлган ва ишчи кучи тақчил бўлган ҳудудларнинг шаклланиши. Ушбу ҳудудларда бирдан иккинчисига ўтиш имкониятининг мавжуд эмаслиги натижасида ёки улар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжуд эмаслиги ҳисобига институционал ишсизликнинг вужудга келишига сабаб бўлади.

2. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришда малака даражасининг етишмаслиги. Бу эса, ишчи кучи такрор ишлаб чиқариш учун етарлича касб-

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

3-расм. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш турлари¹.

малакага эга бўлмаганлиги сабабли бошқа касб учун тайёрлов ёки қайта тайёрловдан ўтишга мажбур бўлади.

3. Ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг қиймат кўрсаткичларининг тизимлаштирилиши. Бу эса, ишчи кучи такрор ишлаб чиқариш учун етарлича қийматликка эга бўлмаганлиги сабабли бошқа соҳага ўтиб кетишига олиб келади. Бу эса унинг ўша соҳада яна мутахассис сифатида шаклланиши учун маълум вақт талаб этади.

Айирбошлаш фазаси:

1. Ишлаб чиқарувчилар монополиясининг ошиши, паст малакали меҳнатни такрор ишлаб чиқаришнинг рағбатлантирилмаслиги. Ишлаб чиқарувчилар томонидан кўпроқ юқори малакали ишчи кучига талабнинг вужудга келиши натижа-сида паст малакали ишчи кучининг четда қолиши.

2. Ишчи кучи бозорида монополиянинг шаклланиш тенденцияси. Ушбу монополиянинг вужудга келиши ишчи кучи бозорига ҳам, умуман иқтисодийнинг ривожланишига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

3. Давлатлараро бандликка кўмаклашувчи ташкилотларнинг эквивалент эмаслиги. Мамлакатдан ҳар қандай касб-мутахассислигидан қатъий

назар юқори малакали ва малакасиз ишчи кучи оқимининг четга чиқиб кетиши.

Истеъмол фазаси:

1. Истеъмол фазасининг асосий хусусияти - ишчи кучининг касбий малака даражаси билан соҳалар тузилиши ўртасидаги зиддиятдир.

2. Иш билан бандликда устун соҳанинг вужудга келиши. Бунинг натижасида ишчи кучининг катта қисми ўша соҳани ўзлаштиришга ҳаракат қилиши ва бошқа соҳаларга нисбатан таклифнинг камайиб кетишини кўрсатади. Бу эса айрим соҳаларда ишчи кучининг етишмаслиги ва айрим соҳаларда ишчи кучининг ортиқча эканлигини кўрсатади. Натижада, ишчи кучи етишмаётган касблар (мутахассисликлар) бошқа касб (мутахассислик) эга тегишли ишчи кучи истеъмолини амалга оширишга мажбур бўлади.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси.

Ушбу муаммоларни ҳал этиш масалалари бугунги куннинг асосий масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Президентимиз айтганларидек, " ... асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган ҳудудларимиз ўртасида тафовут мавжуд. Бунинг ечими – ички миграцияни эркинлаштиришдан иборат" [1].

¹ Муаллиф ишланмалари асосида тузилган.

Ишчи кучининг вужудга келиш шакллари такрор ишлаб чиқариш жараёнида қуйидагича намоён бўлади:

- меҳнат қилиш қобилияти (ишчи кучининг шаклланиши). Меҳнат қобилиятларининг такрор ишлаб чиқилиши уларнинг шаклланиши, тақсимланиши, айирбошланиши ва истеъмол қилинишидан иборат;

- ишлаб чиқариш омили (ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари бирлашиши). Ишчи кучининг ишлаб чиқариш воситалари билан бирлашиш хусусияти ишлаб чиқариш воситаларида мулкчилик шаклининг алмашиниши (давлат, хусусий) билан ўзгаради. Бозор иқтисодиётида ишчи кучи билан ишлаб чиқариш воситалари уйғунлиги ишчи кучининг олди-соттиси орқали содир бўлади;

- ишчи кучи (ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган меҳнат қобилияти) - у ишчининг товар ва хизматларни кўпайтириш натижасида моддийлашади;

- капитал (иш ҳақи шаклида ўз эгасига даромад келтирадиган ишчи кучи қиймати сифатида). Меҳнат қобилияти ишчи ўз қобилиятини ишлаб чиқариш воситалари эгасига иш ҳақи эвазига сотганда инсон капиталига айланади.

Ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш кўринишлари 3-расмда тасвирланган.

Ишчи кучи нафақат табиий тарзда, балки қиймат шаклида ҳам такрор ишлаб чиқарилади. Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ишчи кучи қийматини ҳам ўз ичига олади. Уни ишлаб чиқарилган маҳсулот харажатларига ўтказишда ижтимоий ишлаб чиқариш талабларига мувофиқ ҳисобга олинади.

Ишчи кучи қиймати моддий шакл (ишчининг маҳсулотнинг истеъмол қийматини яра-

тишда сарфлаган меҳнати) ва ишчи кучи нархи билан биргаликда ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилади. Замонавий бозор иқтисодиётида улар бир-бирига тўғри келмайди, чунки ишчи кучининг моддий шакли ишлаб чиқариш харажатларини тўлиқ қамраб олмайди. Маҳсулотлар паст сифатсиз ва жаҳон бозорида рақобатбардош эмас. Ишчи кучининг мавжуд малакасида ишлаб чиқариш талаблари жамиятни қаноатлантирмайди. Ишнинг мураккаблиги ва ишчиларнинг малакаси ўртасидаги фарқ 15-20% га етади (ишнинг мураккаблиги 3,6 разрядга, ишчилар малакаси – 3,0 разрядга тенг). Мутахассислар учун бу фарқ 30-35% га етади. Масалан: ишчиларнинг аксарияти замонавий технология билан ишлай олмайди. Баъзи тармоқларда технологиянинг мураккаблиги ва ишчиларнинг малакаси ўртасидаги фарқ ортиб бормоқда, бу механизациялашган меҳнатни қўл меҳнати билан алмаштириш ва ҳосилдорликни камайитиришга олиб келди.

Хулоса ва таклифлар.

Ишчи кучи нархи ишчи кучи эгасининг бутун такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлашга асосланган бўлиши керак. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кўп ҳолларда ички иқтисодий фан ишчи кучидан самарали фойдаланиш муаммоларини ҳал қилиш билан шуғулланган, лекин алоҳида ишчи кучини шакллантиришни эътибордан четда қолдирган. Замонавий меҳнат иқтисодиётида ишчи кучини такрор ишлаб чиқаришнинг асосий ролини ҳимоя қилиб, ишчи кучининг сифат даражасини шакллантиришни кўриб чиқиш долзарб деб ҳисоблайман.

Ишчи кучининг маълум сифат даражаси «истеъмол саватчаси» деб аталувчи асосий инсон эҳтиёжларини қондирувчи товарлар ва хизматлар мажмуини таъминлашга мўлжалланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси (24.01.2020) // «Халқ сўзи» газетаси, 2020 йил 25 декабрь.
2. McConnell, R., & Brue, L. (n.d.). Economics. T. 2.1. Moscow: Znanie, pp.1-340.
3. Gary S. Becker G., 83, Nobel Winner Who Applied Economics to Everyday Life, Dies // The New York Times / D. Baquet — Manhattan, New York City: The New York Times Company, A.G. Sulzberger, 2014.
4. Andreev, S.Y., & Konovalenko, D.A. (2015). Problems of unemployment and employment of the population. Modern science: theoretical and practical view. Collection of articles of the International Scientific and Practical Conference. Ufa: 2015, pp. 5–8.

5. Andreev, S.Y., & Letish, I.S. (2015). Institutional Aspects of Labor Market Regulation in the Agrarian Sector of the Economy. *Economy and Society*, № 5–1 (18), 89–92.
6. Kurennoy, A.M. (2014). *Labor Law. Textbook*, Moscow: Yurist, pp.1-315.
7. Zhivaleva, Y.A., & Gorbulya, N.Y. (2016). Problems and Prospects of State Employment Policy in the Russian Federation. *Young Scientist*, №8.8, 10-12. Retrieved 2018, from <https://moluch.ru/archive/112/28850/>
8. Mikulsky, K. (1997). Formation of a new model of employment. *The Economist*, N 3.
9. Mayer, V.F., & Zhukova, S.V. (1995) Problems of State Regulation of Social Development and the Standard of Living of the Population. *Moscow State University Bulletin. Economy series*, N 1, 40-50.
10. Kokin, Y. (1996). Salary as the cost of labor and distribution according to work. *Man and Labor*, N 10.
11. Travin, V.V., & Dyatlov, V.A. (1995). *Fundamentals of personnel management*. Moscow: Delo, pp.1-407.
12. Belova, V.P. (1992). The mechanism of reimbursement of costs for the reproduction of labor in the transition to market relations. Moscow: Scythians, pp.1-25.
13. Иқтисодиёт / Ҳ.П.Абулқосимов, М.Ҳ. Абулқосимов –Т.: Ноширлик ёғдуси, 2015. – 448 б.
14. Xodiyev B., Shodmonov Sh. *Iqtisodiyot nazariyasi (darslik)*. – Т.: «Barkamol fayz media» nashriyoti, 2017.
15. Мамаракхимов В. Ишчи кучи бозорида рақобат муҳитини шакллантиришнинг асосий йўналишлари. // Архив научных исследований. – 2020. – Т. 1. – №. 4..